

Ҳазрати Абу Бакр (14-қисм)

21:18 / 21.04.2017 6077

СОЛИҲ САЛАФЛАР ИБРАТИ

САҲОБАЛАР САЙЙИДИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху ҳаётларидан лавҳалар

РАСУЛУЛЛОҲ СИРЛАРИНИНГ СОҲИБИ

(14-қисм)

Ҳазрат Умарнинг қизлари Хафса бинти Умар илгари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан Ханийс ибн Хузофа ас-Саҳмийга турмушга чиққанди. Бу киши Бадр ғазоти қатнашчиларидан эди. Ханийс Мадинада вафот этиб, Хафса тул қолди. Шунда ҳазрат Умар қизларини муносиброқ бир кишини топиб, унга турмушга беришни хоҳладилар. Қизларига дўстлари Абу Бакр Сиддиқ ва Усмон ибн Аффондан бошқа яна ким муносиб эр бўлиши мумкин? Ана шу хаёл билан ҳазрат Усмоннинг ҳузурларига бордилар.

— Эй Усмон, қизим Хафса тул қолган, хоҳласангиз, уни сизга никоҳлаб қўяман, шуни хотинликка олмайсизми? – дедилар.

— Мен бироз ўйлаб кўрайин, кейин жавобини айтарман, – дедилар ҳазрат Усмон.

Орадан бир-икки кун ўтди, лекин ҳазрат Усмондан хабар бўлмади. Кейин у киши Умар ибн Хаттобга учраб:

— Шу кунларда уйлана олмайдиган кўринаман, – деб жавоб қилдилар.

Шундан сўнг ҳазрат Умар Абу Бакр Сиддиқни топиб, у кишига таклифларини изҳор қилдилар:

— Агар истасангиз, тул қолган қизим Хафсани сизга никоҳлаб қўяман.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху бунга жавобан лом-мим демадилар. Бунга ҳазрат Умарнинг жаҳллари чиқди, Абу Бакрдан ўпкаландилар: «Усмон-ку узрларини айтиб кетдилар, Абу Бакр эса ҳатто жавоб қилиб қўйишни ҳам эп кўрмадилар-а!».

Орадан бир неча кун ўтиб, жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хафсани ўзларига сўраттириб, Умар ибн Хаттобникига совчи жўнатдилар. Ҳазрат Умар катта хурсандчилик ва мамнуният билан қизларини Аллоҳнинг расулига никоҳлаб бердилар.

Кейинчалик бир куни Абу Бакр ҳазрат Умар ни учратиб:

— Хафсани менга завжаликка таклиф қилганингизда лом-мим демаганим учун мендан хафа бўлганмисиз?

— Ҳа, - дедилар ҳазрат Умар.

— Менга қилган таклифингизга жавоб беролмаганимга жаноб Расулуллоҳ ўз суҳбатларида Хафса хусусида сўз очиб, унга уйланмоқчи бўлганларидан хабардорлигим монелик қилган эди. Бу нарса у зотнинг сирлари эди, мен уни ошкор қила олмасдим. Агар жаноб Расулуллоҳ уни олмаганларида мен уйланган бўлар эдим, - дедилар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу.